



114

5 у.г. "24" феврал № 255-К

Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман "Даштакиболо" кишлоқ фуқаролар йиғини "Илонсой кум қони" худудидан "Parviz-Fariz" масъулияти чекланган жамиятига суюлтирилган газ сақлаш омбори қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа хўжалиқлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 августдаги 357-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2014 йил 21 ноябрдаги 02-рақамли баёни, "Қишлоққурилишлойиха" масъулияти чекланган жамияти бош лойиха кидирув институтининг 2014 йил 26 сентябрдаги 9-14/470-сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2014 йил 19 июндаги 893-сонли ҳулосаси ва "Parviz-Fariz" ишлаб чиқариш ижорат фирмасини туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2014 йил 21 ноябрдаги 02-рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини асдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Parviz-Fariz» масъулияти чекланган жамиятига суюлтирилган газ сақлаш омбори қуриш учун Самарқанд туман "Даштакиболо" кишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги "Илонсой кум қони" ер харитасининг 13 контуридан жами 1,0 га (шундан: 1,0 га кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Суюлтирилган газ сақлаш омбори бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси "Parviz-Fariz" масъулияти чекланган жамияти директори Т. Нажмиев зиммасига юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф. Солиев)га таъминлансин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров